Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
30 июль
ШАНБА
№ 61 (12905)

www.th.uz

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



Ҳозир ўлкамизда айни пишиқчилик палласи. Бозорларимиз табиат ноз-неъматлари билан лиммо-лим. Бор жойда бол арзон, деганларидек, нарх-наво ҳам шунга яраша, албатта. Шундай кезларда кўнгиллардан бугунги обод турмуш, фаровонлик шукронаси кечиши табиий. Буларнинг барчаси, аввало, халқимизга мустақиллик инъом этган файз, қут-барака нишоналаридир. Қолаверса, мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган ислоҳотларнинг ҳаётий самаралари ана шу сероблик ва мўл-кўлликда яққол акс этмоқда.

БОР ЖОЙДА БОЛ АРЗОН

❑ Ислоҳот



Бу жараёнда, айниқса, фермерликни ривожлантиришга доир дастурлар, аниқ манзилли саъй-ҳаракатлар беқиёс ўрин тутаётир. Натижада, ер эгаларининг фаолият қамрови кенгайиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлашдаги иштироки ортиб бормоқда. Аксарият мулкдорлар ўз фаолиятининг янгидан-янги қирраларини шакллантириб, "кўп тармоқли хўжалик", деган мақомга кўтарилаяпти.

Кейинги йилларда соҳада Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси вилоят фермерлари фаолиятида ҳам ўз ифодасини топаётир. Ер эгаларининг нафақат пахта ва ғалла, балки мева-сабзавот, полиз экинлари етиштириш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликдаги имкониятлари беқиёс кенгайди. Маҳсулотни қиш-баҳор мавсумига қадар сифатли сақлаш ва қайта ишлаш борасида ҳам катта тажриба тўпланди.

Хусусан, фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини яхшилаш, мева-сабзавот тайёрлаш ҳажмларини кўпайтириш мақсадида уларнинг ер участкаларини мақбуллаштириш борасидаги ишлар бу борада айни муддао бўлди. Мазкур ислоҳотлар натижасида вилоятда 7 минг 478 фермер хўжалиги янгидан ташкил этилди ва уларнинг жами сони 16 минг 918 тага етди.

Шу жумладан, пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида 3 минг 434, сабзавотчилик, полизчилик йўналишларида 7 минг 178 та, боғдорчилик, узумчилик йўналишларида 7 минг 300 дан ортиқ, шунингдек, чорвачилик йўналишида 675 хўжалик фаолият юритаётир.

Кейинги беш-олти йилнинг ўзида вилоятда мева, сабзавот, узум, полиз ва картошка етиштириш ҳажмлари тегишлича 3 баравардан 5 бараваргача кўпайганини таъкидлаш жоиз. Соҳада барқарор ўсиш суръатлари давом этмоқда. Буни, масалан, жорий йилнинг олти ойида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 106,8 фоизга ўсгани ҳам яққол ифодалайди. Бундай натижага, шубҳасиз, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, хусусан, кўп тармоқли фермер хўжаликларида маҳсулдорликни оширишга йўналтирилган истиқболли лойиҳаларни амалиётга жорий этиш туфайли эришилмоқда.

Қайд этиш зарурки, жаҳонда ҳали-ҳануз давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида, биринчи галда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу боис, мева-сабзавот етиштиришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган паркентлик, янгийўллик, зангиоталик, қибрайлик соҳибкорлар маҳсулотни қишга сақлашнинг такомиллашган усулларидан кенг фойдаланишга интилмоқдалар.

Бундан бир муддат аввал Паркент туманида тадбиркор фермер Бакир Эргашевнинг узумчилик тармоғида эришаётган ютуқларини кўриб, қойил қолганимиз ҳануз ёдимизда.

Давоми 2-бетда.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА ҲОКИМ ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ

Аввал хабар қилганимиздек, шу йилнинг 26 июль куни Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг XIII сессияси бўлиб ўтди. Сессияда вилоят ҳокими С. Абдуллаев жорий йилнинг 6 ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари юзасидан Халқ депутатлари вилоят Кенгашига ҳисобот берди.

❑ Кучли фуқаролик жамияти сари



Вилоят ҳокими ҳисоботида таъкидланганидек, ҳудудда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, табиий шароит ва хом ашё ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини равнақ топтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги мақсадли дастурлар ижроси юзасидан кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳисобот даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 7,3 фоиз ўсишига эришилди, деб қайд этди ҳоким ўз маърузасида. Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ҳаётга татбиқ этиш орқали жойларда 546 та янги лойиҳа амалиётга жорий этилиб, 110 миллиард сўмликдан зиёд инвестициялар ўзлаштирилди. Амалга оширилган мазкур лойиҳаларнинг 98 таси саноат соҳасида экани эътиборга моликдир.

Маҳаллийлаштириш лойиҳаси асосида 16 корхонанинг 53 лойиҳаси бўйича 44,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Натижада, 3,3 миллион АҚШ долларига тенг маблағ иқтисод қилиниб, маҳсулот таркибида маҳаллий ҳом ашё улуши ортди. Эътиборлиси, яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан руҳланган ҳолда бугунги кунда вилоятимизнинг яна 50 та ишлаб чиқариш тузилмаси маҳаллийлаштиришга оид 140 лойиҳа бўйича ўз таклифларини тақдим этган. Мазкур янги лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига йил якуни билан 120 миллиард сўмликдан ортиқ импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва белгиланган режа кўрсаткичи 135 фоизга бажарилиши кутилмоқда. Энг муҳими, саноат соҳасини янада ривожлантириш борасида олиб борилаётгган ишлар натижасида биринчи ярим йиллик якуни билан вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида саноатнинг улуши ўтган йилдаги 32,6 фоиздан 38,1 фоизга ошишига эришилди, деб қайд этди ҳоким.

Вилоят ҳокими депутатлар олдида чиқиш қилар экан, ўз сўзида асосий эътиборни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, инвестиция дастурига асосан ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши, реконструкция қилиниши ва таъмирланиши, қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишининг бориши ҳамда қишлоқ хўжалиги йўналишларидаги ислоҳотлар ва улар бераётган ижобий самаралар хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шу билан бирга, ҳоким ўз ҳисоботида жорий йилнинг иккинчи ярмида амалга оширилиши кўзда тутилаётган энг муҳим устувор йўналишларга бирма-бир назар ташлаб, уларни амалга оширишнинг аввалдан пухта ўйланган аниқ йўллари хусусида тўхталди ҳамда барча куч ва имкониятлар ана шу муштарак мақсадлар йўлида сафарбар этилишини таъкидлади.

Сессияда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



БУГУННИНГ ҚУВОНЧИ, ЭРТАНИНГ УМИДИ

Истиқлол йилларида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида юрт ободлиги, халқ фаровонлиги, инсон қадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланиб бораётгани туфайли Ўзбекистонни тинчликсевар, бунёдкор юрт сифатида дунё тан олди. Бу эса ҳар биримизда ғурур ва ифтихор уйғотиш билан бирга, шу ислоҳотлар жараёнида масъулият ҳиссини ҳам юклайди.

❑ Депутат минбари

Тарихан қисқа даврда миллий давлатчилигимизнинг қайта тикланган, халқимиз манфаатларини кўзлаб амалга оширилган янгиланиш ва ўзгаришлар натижасида иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатлари таъминлангани, аҳолининг турмуш даражаси юксалиб бораётгани, мамлакат қиёфаси тобора ўзгариб, чирой очаётгани, ёш давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи йилдан-йилга мустаҳкамланаётгани чиндан ҳам фахрланса ва ғурурланса арзийдиган, ифтихор билан эътироф этиладиган ютуқлардир. Давлатимиз раҳбарининг қатъият ва шижоати, энг оғир дамларда ҳам сабр-бардош билан, буюк келажакка ишончни сўндирмай ҳаракат қилгани халқимизни бугунги ёруғ кунларга етказди.

Бугун тақдиримиз ўз қўлимизда, янги демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидамиз. Бу йўлда бизга ҳеч ким, ҳеч қандай куч тўсиқ бўлолмайди. Халқимиз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод ва обод ҳаёт қуришнинг асл ўзбекона йўлини танлаб, ундан оғишмайдиган фуқаролик позициясини белгилаб олди.

Эртанги кунга қатъий ишонч бугунги осуда ҳаёт қадрига етишни, тарихий хотирани ёдда тутишни ўргатади. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 25 йиллигига ўзгача тайёргарлик кўрилмоқда. Ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти, билим ва тафаккури изчил юксалиб бораётгани "Ўзбекистон – келажаги буюк давлат" иборасининг амалдаги рўёбидан далолатдир. Халқимиз ўз олдига қўйган буюк марра ва мақсадларни амалга ошириш йўлида 25 йилда эришган, бутун жаҳон тан олаётган, ҳавас билан қараётган энг олий ютуқ – демократик-ҳуқуқий давлат, ривожланган фуқаролик жамиятига асос солинганидир. Тубдан янгиланган иқтисодиётимиз йилдан-йилга ривожланиб, собиқ иттифоқ таркибидаги мамлакатлар ўртасида энг юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришаяпмиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаёт, миллатлараро тотувликнинг қадрига етишимиз, доимо огоҳ бўлишимиз керак. Келажак авлодлар онгига истиқлол туфайли забт этилган юксак марраларни, озод ва обод ўлканинг муқаддаслиги ва Ватаннинг ягоналигини чуқур сингдириб боришимиз лозим.

Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

❑ Мулоҳаза учун мавзу

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун тилимизда энг кўп ишлатиладиган, сермаъно сўзлардан бири – нон? Бизда нон сўзи ризқ-насиба, тўкинлик, файзу барака маъноларини ҳам истифода этади.

НОВВОЙЛИК – САНЪАТ, НОН САВДОСИЧИ?

Жаннатмонанд Ватанимизда новвойлик санъат даражасига кўтарилгани рост. Бугун юртимизнинг исталган жойига борсангиз, саватларда бўрсилдоқ нонлар: ширмойнон, седанали, жиззали патирлар, кунжутли обинон, гижданон, тўй патири, лочира, турлича шакл-шамойилдаги кулчанонлар бозорларимизга файз бағишлаб тургани кўрасиз. Бу тўқлик, тўкинлик белгиси.

– Нонннинг инсон ҳаётидаги ўрни, қадри, дарҳақиқат, жуда юксак, – дейди Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Нурмуҳаммад Абдуллаев. – Нон ризқу насибамиз тимсоли. Унда ҳикмат ҳам, хосият ҳам кўп. Шунинг учун ҳам "Нонннинг увоғи ҳам нон" дея улуғлаймиз, меҳмонга борсак ҳам, энг аввало, нон олиб борамиз. Борган жойимизга қут-барака, соғлик-омонлик тилаб шундай қиламиз.

Бу иззат-эҳтиром бежиз эмас, албатта. Зотан, бу неъматнинг таркибида инсон саломатлиги учун фойдали витаминлар, вужудга қувват, беморга дармон бўладиган хусусиятлар мўл. Вилоят ДСЭНМ бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Абдураҳмон Исмоиловнинг сўзларига қараганда, нон, аввало, тез ҳазм бўлиши ҳамда тўйимлилиги билан ажралиб туради. Шунингдек, нон инсон танаси учун керакли бўлган оқсил, ёғ ва фойдали углеводлар, "В" гуруҳидаги витаминларга бой маҳсулотдир.

Давоми 3-бетда.

БОР ЖОЙДА БОЛ АРЗОН

Заркентнинг оёқ турмас қияликларида тоқзор барпо этган уста соҳибкор қирқ йилдан бери боғ-роғлар билан "тиллашиб" келаётган экан. Хўжалик аъзолари "кишмиш", "Ризамат ота", "тоифи" каби асл маҳаллий навларни асосан ички бозорда сотади, маълум қисмини экспорт ҳам қилиш ниятида.

– Атрофга бир қаранг, ишлайман деган одамга қанча имконият бор-а, – деган эди Бакир ака. – Нега энди бундан руҳланиб, имтиёз ва қулайликлардан фойдаланмаслигимиз керак? Фермерлик дегани қор кетгандан қор тушгунча тер тўкиб, кетмон чопиш эмас. Биласиз, мева-чеванинг нархи қиш-баҳор кезларида бир оз кўтарилади. Шундай экан, аҳолининг дала ва боғ неъматларига бўлган талабини узлуксиз таъминлаш, содда қилиб айтганда, нарх-навони чўнтак кўтарадиган даражада ушлаб туришга ҳисса қўшиш, аввало, биз, фермерларнинг вазифамиз-да. Шуни ҳисобга олиб, умумий сиғими 100 тонна бўлган совутгичли камера қуриб, битказдик. Омборхона тўлиқ хориждан келтирилган совутгичли агрегатлар ёрдамида ишлайди. Улар маҳсулотнинг сифатини бузмай, асл ҳолича сақлаш имконини беради.

... Чорвачилик ривожи, тармоқдаги ютуқ ва камчиликлар таҳлилига бағишланган йиғилишда қайд этиб ўтилган мана бу факт эътиборимизни тортди: кейинги йилларда вилоятнинг Юқори Чирчиқ, Чиноз, Зангиота туманларидаги "Тано", "Юлдуз", "Дилгиё файз барака", "Роҳатой" каби фермер хўжаликларида парваришланаётган чорва мамлакатимиздаги наслли молларнинг "Олтин фонди"га киритилибди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори вилоятда аграр соҳанинг мазкур муҳим бўғинида, чин маънода, юксалиш босқичини бошлаб берди.

– Ана шу ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилган ишлар туфайли вилоятдаги қорамолчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларни зотдор ва сермаҳсул чорва моллари, омихта ем ҳамда ширали озуқа билан барқарор таъминлаш тизими юзага келди, – дейди вилоят фермерлар кенгаши раиси Тўлқин Тўраев. – Зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш сифати ҳам тубдан яхшиланди. Яратилаётган имкониятлар туфайли вилоятимизда худди шу йўналишда фаолият юритаётган катта-кичик фермер хўжаликлари сони муттасил ортиб бораяпти.

Сигирнинг сути тилида, деган гап бор. Бу чорвачиликда кўнгилдагидек маҳсулдорликка эришиш учун озуқа таъминоти мўл-кўл ва узлуксиз бўлиши шарт, деган маънони ифодалайди. Мазкур жабҳада ортиқча муаммо бўлмаслиги учун чорва-

Бошланиши 1-бетда.



дорларга ажратилган яйловлар ҳамда озуқабоп экинлар етиштириладиган майдонларни кенгайтиришга ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Зангиота, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Қибрай, Паркент, Янгийўл каби туманларда 40 минг гектардан зиёд экин майдонидан худди шу мақсадда фойдаланилаяпти. Жойларда омихта ем ва шрот сотишга ихтисослашган шахобчалар фаолият кўрсатаётир.

Аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини узлуксиз қондиришда Зангиота туманидаги "Роҳатой" фермер хўжалигининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Наслчиликка ихтисослашган мазкур хўжалик барқарор равнақ топиб келаётган тадбиркорлик тузилмаларидан.

Бундай натижаларга эришишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Дастлаб 30 бош қорамолу 10 гектар ер билан иш бошлаган хўжалик фаолияти ўтган йиллар мобайнида 10





икки-уч йилнинг ўзида тўрт марта хорижга бориб келдим. Ёшимиз олтмишдан ошганда умр йўлдошим билан Париж кўчаларини худди келин-куёвлардек айланганимизни айтмайсизми? "Эйфель" минорасининг тагида музқаймоқ ялаётган аёлимга қараб: "Қандингни ур, онаси", дейман. Тўғрида, бир пайтлар колхозда сув келса симириб, тош келса кемириб ишладик. Нима кўрдик? Биримиз икки бўлганмиди?

Фермерлик нечоғлик истиқболли бўлаётгани яна бир жиҳатда яққол кўринади. Рўзғор учун ҳафта оралаб бозор-ўчар қилиб турадиганларга яхши маълум: кейинги пайтларда савдо расталаридан паррандачилик маҳсулотлари – парҳез гўшт ва тухум аримай қолди. Бу сероблик турган гапки, уларнинг нарх-навосида ҳам акс этган. Тагини суришитирсангиз, биласиз, аксар маҳсулотнинг асл эгалари – ўзимизнинг фермерлар.

Айни пайтда вилоятда 300 га яқин фермер хўжалигида паррандачилик тармоғи йўлга қўйилган. Бунинг натижасида, 1000 га яқин иш ўрни яратилди. Бу аҳоли бандлигини таъминлаш, дастурхонига файзбарака киритиш баробарида иқтисодиётимизнинг янада юксалишига хизмат қилаётир. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, биргина шу хўжаликларнинг ўзида йилига ўртача 20-22 миллион дона тухум, қарийб 300 минг тоннадан зиёд парҳез гўшт етказиб берилаётган экан.

Паррандачилик билан шуғулланаётган хўжаликлар товуқхоналарининг аксари хориж технологияси асосида жиҳозланган бўлиб, уларда ҳаво ҳарорати ҳамда намлиги мақбул меъёрда сақланади, сув ва озуқа таъминоти автоматик бошқарилади. Шу боис, бугун паррандачилик ростмана хазинага айланган. Эндиликда мазкур тармоқда маҳсулот етиштириш ва фойда олиш учун илгаригидек кўп вақт ва харажат талаб қилинмайди. Хона ҳарорати мўътадил, озуқа етарли бўлса бас. Масалан, илгари жўжалар 150 кунда тухумга кирган. Илғор технологиялар туфайли эндиликда бу муддат 50-53 кунга қисқарди. Парҳез гўшт етиштириш учун эса 35-40 кун кифоя қилаяпти.

Булар қишлоқдаги етакчи куч – фермер хўжаликлари эришаётган ютуқларнинг бир шингили, холос. Бинобарин, фермерлик ўзининг ҳар томонлама самарали ва истиқболли эканини ҳар жабҳада рўй-рост намоён қилмоқда.

Дарвоқе, ҳадемай савдо пештахталарида "Роҳатой" деб ёзилган бежирим қадоқлардаги сут маҳсулотларига кўзингиз тушса, ажабланманг. Бу биз юқорида ҳикоя қилган хўжаликка тегишли бўлади. Чунки, шу кунларда "Роҳатой" жамоаси хўжалик қошида сутни қайта ишлашга ихтисослашган цех ташкил этиш ҳаракатига тушган.

Шерзод ШУҲРАТОВ.

Суратлар "Тошкент ҳақиқати" фотожамланмасидан олинди.

❑ Жараён

"Қумовул" маданият ва аҳоли дам олиш марказида "Ижтимоий-маънавий муҳитни янада барқарорлаштиришда маҳалла институтининг давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзуида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

Унда вилоят ҳокимлиги вакиллари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлимлари, чегара қўшинлари "Тошкент" тезкор гуруҳи вакиллари, чегара ҳудудларидаги профилактика инспекторлари ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар маҳалла раиси ва профилактика инспекторининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилалар билан ишлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида маҳалланинг тутган ўрни ҳақида фикр юритдилар. Шунингдек, маҳаллаларда ўтказилган рўйхатга олиш натижалари ҳамда фуқароларнинг паспорт, виза қоидаларига риоя этишларини назорат қилиш, уларнинг яшаш жойларидан узоқ муддатга чиқиб кетишларининг олдини олиш ва профилактик рўйхатда турувчи шахслар билан ишлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, Ўзбекистон Республикаси "Чегара тўғрисида"ги Қонунининг мазмун-моҳияти, чегара тартибига доир қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, Ўзбекистон ҳудудига ноқонуний равишда товар-моддий бойликларни олиб кириш ва олиб чиқишга қарши курашишда фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Тадбир сўнгида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бошқарувининг ярим йиллик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Исломжон Эргашходжаев иштирок этди.

Нозима АРСЛОНОВА.

Кундалик ҳаётимизда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик натижасида турли кўнгилсиз ҳодисалар юз бергани ҳақида эшитиб қоламиз.

ТЎСИҚЛАРНИ ҲАТЛАБ ЎТГАН ИНСПЕКТОР

республика очиқ чемпионатида ғолиб бўлди

Уларнинг баъзиларида ёнғин фуқароларнинг айби билан юз берган бўлса, уни ўчириш жараёнида тегишли хизмат ходимларининг суст тайёргарлиги ёки ўз ишига беэътибор ёндашиши талафот қамровини кенгайтириб юборади. Шу сабабдан, мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилиши, фуқароларнинг ҳушёрлигини янада ошириш йўлида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши билан бирга, соҳа ходимларининг малака ва кўникмаларини ошириш йўлида ҳам кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Олмалиқ шаҳридаги ОТМК ўйингоҳда ўтказилган Ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича Ўзбекистон Республикаси очиқ чемпионати ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Камолот" ЁИҲ ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақанинг очилиш маросими катта спорт байрамига айланиб кетди. Дастур давомида эстрада юлдузлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганлар кайфиятини янада кўтарди.

Мусобақа давомида Республика ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари жамоавий ва якка тартибдаги машқларда ўз маҳоратларини кўрсатдилар. 100 метрга тўсиқлар оша югуриш, кўп қаватли биноларнинг юқори қаватларига нарвон орқали кўтарилиш каби эстафета баҳсларида беллашган ўт ўчирувчилар ўзларининг юқори жисмоний тайёргарлиги билан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Шу билан бир қаторда, турли фавқулодда ҳолатларда эътиборни сусайтирмаслик ва вазиятга тўғри баҳо бериш, тезкор ва аниқ қарорлар чиқариш маҳоратлари ҳам синовдан ўтказилди.

Якка тартибдаги мусобақаларнинг 100 метрга тўсиқлар оша югуриш баҳсларида муваффақиятли иштирок этган вилоятимиз терма жамоаси аъзоси Руслан Солиев 1-ўринни қўлга киритди.

– Олов "қутурса" йўлида учраган нарсани куйдириб, кул қилади. Инсон бир зумда уй-жойи, мол-мулки ва, ҳатто, ҳаётидан айрилиши ҳеч гап эмас, – дейди Р. Солиев. – Шу сабабдан, биз ҳамиша тўлиқ тайёргарликда бўлишимиз лозим. Зеро, бизнинг касбимизга масъулиятсизлик билан ёндашиб бўлмайди.

Уч кун давом этадиган республика биринчилиги эртага ўз якунига етади.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.





❑ Тараддуд

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Ҳосил тақдири ҳал бўладиган паллаларни деҳқонлар "Ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт", дейишади. Худди шундай, вилоят пахтакорлари ҳам энг масъулиятли жараёнларни бошдан кечирмоқдалар. Хусусан, вилоят пахтазорларида ғўзага ишлов беришдан тортиб, ҳосилни нестнобуд қилмай йиғиб-териб олишгача бўлган барча муҳим юмушлар олдидан пухта ташкилий-тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Бу жараёнга, табиийки, кўплаб қишлоқ хўжалиги техникалари жалб этилади. Фермер хўжаликларининг ёқилғимойлаш ашёларига бўлган талаб ва эҳтиёжи кескин кўпаяди. Бинобарин, нефть базалари унитар корхоналарининг ёқилғи тарқатиш шахобчалари ходимларининг масъулияти бир неча ҳисса ошиши жоиз.

Этиборлиси, мамлакатимизда фермер хўжаликларини ана шундай зарур ашёлар билан узлуксиз ва барқарор таъминлашнинг ҳар тарафлама қулай тизими жорий этилган. Жойларда махсус ёқилғи тарқатиш шахобчалари ишлаб турибди. Бироқ, афсус билан қайд этиш керакки, ёқилғи тарқатиш ва қабул қилиш жараёнларида ҳамиша ҳам меъёрий талабларга тўла риоя этилавермайди.

Аслида, нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш ва ҳисобини юритиш бўйича тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар борки, бунга таъминотчи корхоналардан тортиб, фермер хўжаликлари мутасаддиларигача қатъий амал қилишлари шарт. Масалан, нефть маҳсулотларини тарқатиш варақаларини тўғри расмийлаштириш, техникалар томонидан кунлик бажарилаётган ишларни меъёрий талаблар асосида назоратга олиш, "йўл варақалари" ва бошқа бирламчи ҳужжатларни мунтазам тўлдириб бориш, фойдаланилаётган техника воситаларининг созлигига эътибор қаратиш муҳимдир. Шу билан бирга, бажарилган ишлар юзасидан тузилган кунлик қайдлар юритилиб, шу асосда ҳар 30 кунда бир марта умумий ҳисоботлар тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, мавсум тадориги олдидан жойларда ташкил этилаётган ўқув-семинарларда мунтазам таъкидланаётганидек, далада ишлаётган техника доимо соз бўлиши ва қоидаларга амал қилинган ҳолда ишлатилиши лозим. Акс ҳолда бу давлатга ҳам, фермер хўжалиги иқтисодига ҳам жиддий зарар етказиши турган гап.

Р. МУРОДОВ,
"Ўздавнефтгазинспекция" вилоят ҳудудий бўлими бош мутахассиси.

ЁШ ТАДБИРКОРНИНГ УЛКАН РЕЖАЛАРИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга банк кредитлари ажратиш соҳа ривожи йўлида улкан самара бермоқда.

❑ Эътибор

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Буни Қуйи Чирчиқ туманидаги ёш тадбиркор Мансур Холбўтаев фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тумандаги қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежини тамомлаган М. Холбўтаев ёшлар учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ўз шахсий бизнесини йўлга қўйишга аҳд қилди. Эндигина йигирма ёшни қаршилаётган тадбиркор изланиши, интилиши, астойдил ҳаракати ҳамда ўз касбига меҳр қўйиши орқали қисқа фурсатда аҳоли ишончини қозонди. Бугунги кунда у бошчилик қилаётган жамоа майдон, хиёбон, ҳовли ва пиёдалар йўлакларига кўрк берувчи турли ҳажмдаги сифатли йўлак қопламаларини ишлаб чиқармоқда.

– Оила аъзоларим ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишади. Оилавий корхонамизда тайёрланаётган турли хилдаги сифатли мебель маҳсулотлари кўпчиликнинг эътиборига тушган, – дейди М. Холбўтаев. – Шу боис, менда ҳам бу соҳага қизиқиш пайдо бўлди ва ўз шахсий бизнесимни йўлга қўйишни мақсад қилдим. Ҳозирда икки нафар тенгқурларим билан туманимиз аҳолиси учун сифатли ва кўркам қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз. Ҳар қандай маҳсулотнинг харидоргирлигини таъминлаш учун уни ишлаб чиқаришда махсус технологияларга амал қилиш, сифатига алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Шундагина мижозларнинг ишончини оқлаш ва кўзланган натижага эришиш мумкин.

Дарҳақиқат, ҳозирда ёш тадбиркор аҳолидан буюртмалар олиб, маҳсулотининг "Марокаш", "Тумор", "Манго", "Она ва бола", "Гранд", "Шахмат" каби турларини ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бермоқда.

М. Холбўтаев "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказиб келинаётган "Менинг бизнес ғоям" кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, 25 миллион сўмлик имтиёзли кредитни қўлга киритди.

Бу маблағ унга ўз фаолиятини янада кенгайтириш ва янги турдаги қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ёрдам беради.

"Қуш уясида кўрганини қилади" дейди халқимиз. Тадбиркорлар оиласида улғайган Мансур, озод ва обод Ватан берган имкониятлардан фойдаланиб, элига, юртига наф келтирадиган инсон бўлиши шубҳасиз.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.

НОВВОЙЛИК – САНЪАТ, НОН САВДОСИЧИ?

Ҳа, ноннинг қадри ҳақида ҳар қанча гапирсак озки, бу азиз неъмат аллақачон бизнинг боқий қадриятларимиздан бирига айланган. Тошкенти азим узоқ-яқин элларда "Нон шаҳри" бўлиб донг таратган, ҳатто шу номда бадиий фильм ҳам суратга олингани сизга яхши маълум, албатта. Аммо, масаланинг бошқа томони ҳам бор, ардоқли газетхон.

Бугунги кунда тадбиркорларимиз ҳар хил турдаги нон маҳсулотларини тайёрлаб, аҳоли дастурхонига тортиқ этиб келмоқда. Меъёрий ҳужжат асосида, шахсий гигиена қоидаларига тўлиқ риоя этган ҳолда тайёрланаётган нон маҳсулотларининг сифати, ташқи кўриниши, боя айтганимиздек, санъат даражасида баҳолашга лойиқ.

Лекин ана ўша табаррук неъматнинг сотув жараёни қандай? Бу жараёндан кўнглингиз тўлаяптими?

Яхши биламизки, тадбиркорлик, омилкорлик озодаликни, ободликни инкор қилмайди, аксинча, булар бирбирини тўлдирувчи тушунчалардир. Вилоятимизнинг гавжум жойларида, чорраҳаю йўл четларида харидорларга ҳавола қилинаётган бўрсилдоқ, ёқимли ифори иштаҳани қитиқловчи нонларни кимлар сотаяпти? Қандай тарзда сотилаяпти? Келинг, жараённи бир кўз ўнгимизга келтириб кўрамиз.

Ўрта Чирчиқ тумани марказидамиз. Йўл четида учтўртта нон сотувчи йигитлар харидорларни чорлашаяпти. Ёғли патирлар, юмшоқ обинонлар ва ... эски арава! Аллақайси замондан бери ишлатиб келинаётган, азбаройи алмаштирилмаганидан қайноқкина ноннинг тафтида куйиб, қорамтир тусга кирган целлофан, ўтган-кетганнинг чангидан униққан, асл рангини унутаёзган эски дастурхон... бу манзара ёдингизга тушдими?

Бошланиши 1-бетда.

Сирасини айтганда, баъзиларини истисно қилсак, деярли барча жойларда аҳвол шу. Биз эса ноннинг ўзига, бежиримлигига, ифорига маст бўлиб сотиб оламиз, кейин уйга олиб бориб, тўппа-тўғри дастурхонимиз тўрига ўша нонни қўямиз, қақажон қизимизга, нуроний отамизга ушатиб берамиз: "Иссиққина нондан олинг", дея мулозамат қиламиз. Ваҳоланки, санитария ва эпидемиология маркази мутахассислари, соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари юқумли касалликлар, паразитлар, ҳаводан, моддий буюмлар воситасида юқувчи касалликлардан тинмай бонг уриб, огоҳлантириб келишади. Ўйлаб кўрилса, бу огоҳлантириш ҳаётимизнинг барча жабҳаларига таъсир этгани ҳолда, нон бозорига жиддий таъсир этгани йўқ...

Гап марказий бозорлардаги, ораста ва шинам расталардаги аҳвол ҳақида бораётгани йўқ. Ўша – йўл четларида, гавжум масканларда қўлларига бир жуфт нонни ушлаганча харидорларни чорлаётганлар ҳақида бораяпти. Бу ўринда хавотирга сабаб бўладиган жиҳат шуки, биринчидан, бировнинг дастурхонига тўппа-тўғри борадиган маҳсулотни махсус қўлқопсиз ушлаб: "Олинг-олинг", дея қистаётган сотувчи оддий гигиена қоидаларини бузаётганини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Иккинчидан, айтайлик, бозордан мева-чева, полиз маҳсулотлари сотиб олсак, албатта, ювиб-чайиб, кўздан кечириб, сўнгра дастурхонга тортамиз. Лекин нонни-чи? Жуда ҳафсала қилинса, орқа томонига қараб, куйган-нетгани йўқмидан: "Қўлқопинг қани, нега нонни покиза матога ўрамадинг, жазирама кунда целлофанга ўраб сотилаётган нонниг кимёвий ҳолати бузилмаслиги ҳақида хат-ҳужжатинг борми", дея сўраб, тежаб-тергаб турсак, аҳвол бирмунча ўнгланар эдими...



Яна бир мулоҳаза. Тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилган замонда яшаяпмиз. Ишлаб чиқариш ва ўзига хос ғоялар, ташаббуслар билан чиқиш, шу орқали мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий юксалишига ҳисса қўшиш тадбиркорнинг бош вазифасидир. Шу маънода, шаҳар марказларида, катта йўл четларида нон сотувчи кичик тадбиркорлар – ҳунармандлар учун арзон, шинам ва қулай, энг асосийси, барча талабларга жавоб берадиган намунавий дўкон лойиҳасини ишлаб чиқиш мумкин-ку! Бу жараёнда новвой, тегишли мутахассислар, сотувчилар маслаҳатлашса, нонни пиширибгина, саватларга жойлашдан то манзилга етказиб, харидорларга сотилгунча бўлган жараённи қамраб оладиган тизим ишлаб чиқилса, барча зарур ашёлар ихчам дўкончада мавжуд бўлса, қандай соз бўлар эди, ахир! Эътибор беринг, бу орқали жуда кўп иллатларнинг, қусурларнинг пайи қирқилади. Масалан, йўлда учрайдиган ҳалокатларнинг олди олинади, йўловчилар келтириб чиқариши мумкин бўлган тирбандлик йўқолади, бетартиб ҳаракатлар бўлмайди, хуллас, айтаверса гап кўп. Энг муҳими, агарда намунали типдаги нон сотиш дўкони ва унинг асбоб-анжомлари тегишли тарзда тасдиқланса ва улар оммавий равишда ишлаб чиқарила бошланса, ўнлаб тадбиркорлик субъектлари иш бошлар эди. Туманларда, вилоят миқёсида минглаб одамлар иш билан таъминланган бўларди. Балки ишонмассиз: "Қўйсангчи", дея қўл силтарсиз, лекин бу ўринда яхшигина бизнес бор, сармоя киритган одам, албатта, фойда кўради. Дейлик, бирор ишбилармон тайёр нонни бозорга ташиш учун мўлжалланган махсус араваларни тайёрлашни йўлга қўйса, ким қарши?







Даврон АҲМАД, Мансур НАҲАЛОВ олган суратлар.

Вилоятимизда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йўл бўйлари орасталаниб, намунавий лойиҳа асосида қурилган уйларга мос турли маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари қад ростлади. Кўрсанг, кўзинг қувнайдиган шундай жойларда йўл ёқасига турли эски-туски ёғоч арава, велосипедларга ўрнатилган тахта қутилардаги олабайроқ дастурхон, адёл, кўрпа-кўрпачаларга ўралган нонларга боқиб, дилинг ғашланади. Ахир, бу йўллардан нафақат вилоят аҳолиси, балки меҳмонлар, чет эллик сайёҳлар ҳам ўтишади-ку?!

Агар, улар нон харид қилмоқчи бўлсалар, бу манзара уларда қандай таассурот қолдираркин? Халқимизнинг маънавияти, меҳмоннавозлиги, озодаю саранжомлиги, дид-фаросати ҳақидаги тасаввурлари хира тортиб қолмайдими?

– Мен яқинда иш бошлаганман, – дейди Ўрта Чирчиқ туманида нон сотаётган Обиджон Абдуллаев. – Йўл бўйига ихчамгина, ораста нон сотиш расталари қурилса яхши бўларди...

– Биз оилавий новвойчилик билан шуғулланамиз, – дейди Қумовул ҚФЙ фуқароси Маҳфуза Исоқова – Тўрт фарзандим бор. Тирикчилигимиз шунинг орқасидан. Қаранг, мана бу қийшиқ-қинғир нон сотиш мосламаси ноқулай, қишда совуқ, ёзда иссиқ. Назаримда, ўзимизда ташаббус етишмаяпти. Йўл ёқаларида намунавий нон расталари ташкил этишга ҳаракат қилишимиз керак.

Умуман олганда, вилоятимиз бозорларидан четда, бекатларда аҳоли қатновига ҳалақит бераётган новвойлар Чиноз, Янгийўл, Юқори Чирчиқ, Паркент, Оққўрғон, Пискент каби шаҳар ва туманларда ҳам йўқ эмас. Хуллас, "уйингга бугдой тўлгур" дея ният қиладиган халқимиз эъзозидаги нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёж, талаб тўла қондирилаётган ҳозирги кунларда фаровон ҳаётимиз ҳавас қилса арзигулик. Аммо, юқорида таъкидлаганимиз, юздаги ҳуснбузардек ноҳуш кайфият уйғотадиган ҳолатларга чек қўйилса, халқимиз кўзга суртиб, тавоф этадиган табаррук нонларимиз тоза, саранжом-саришта дўконларда ёхуд расталарда сотилса, олам гулистон бўлар эди.

Сиз-чи, сиз нима дейсиз, замондош?

Сайёра РИХСИЕВА,
Беҳзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

❑ Тадбир

ҲАРБИЙЛАР ОИЛАЛАРИ ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТДИ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондига қарашли тиббий-ижтимоий марказда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган ушбу кўрикда ҳарбийларнинг оила аъзолари УТТ, ЭКГ ва бошқа кўчма ускуналар ёрдамида текширувдан ўтказилди. Терапевт, педиатр, эндокринолог, офтальмолог каби малакали шифокорлар уларга зарур тавсиялар берди.

– Ота-она учун энг катта бахт – фарзандининг саломатлиги, – дейди Дилдора Баҳромова. – Барча шифокорлар кўригидан ўтиб, ўзимиз ва фарзандларимизнинг соғлом эканлигимизни эшитиб, хотиржам бўлдик. Бу мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар бир инсон малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиши борасида яратилган имкониятлар самарасидир.

Тиббий кўрикда соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлик, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, бунда соғлом овқатланиш ва спортнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилди.

А. ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири.

Реклама ва эълонлар

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 15 август куни соат 11.00 да тақроран бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига: 1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан 7977-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ўнқўрғон ҚФЙ, Узумзор кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган, умумий яшаш майдони 144,30 кв.м.дан иборат тураржой, бошланғич баҳоси - 140 625 000 сўм. 2. Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан 2472-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Матқобулов ҚФЙ, Янги ҳаёт кўчаси, 9-уй ҳудудида, умумий 628,07 кв.м майдонида жойлашган, бошланғич баҳоси - 157 619 714 сўм бўлган, қурилиши тугалланмаган уй қўйилмоқда.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички: 258.

Лицензия RR-0052.

❑ Интилиш

Ўтган йили коллежни тамомлаб, Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Зангиота туман кенгашининг ёрдами билан ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган Зулайҳо Тожибоева ва Дилноза Нажмиддиновалар қисқа вақтда ўзларини тиклаб олишди, тажрибалари ортди.

РАҒБАТ ЮҚОРИ ЧЎҚҚИЛАРГА ЭЛТАДИ



Тадбиркорликнинг сир-асрорларини ўзлаштириб, фаолиятларини кенгайтиришга эришдилар. Қилинган меҳнат ва изланишлар зое кетмади. Жорий йилда, улар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раёсатининг қарори билан Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Энг яхши касб эгаси" танловида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Танловнинг вилоят босқичида "Тикув ва тикув буюмлари ишлаб чиқариш техник технологи" йўналишида ўзи тиккан бежирим кўйлаклари билан иштирок этган Зулайҳо ҳам, "Сартарошлик ва декоратив косметика устаси" йўналишида бир-биридан чиройли соч турмакларини намойиш этган Дилноза ҳам ғолибликни қўлга киритишди. Яқинда ёш тадбиркорлар танловнинг республика босқичида ўз маҳоратларини намойиш этиб, мутахассислар эътирофига сазовор бўлдилар.

Нозима РАСУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

Яроқсиз маҳсулотнинг пули қайтарилди

Фараз қилинг, дўкондан харид қилган маҳсулотингиз сифатсиз чиқди. Энди қайтиб бориш, маҳсулот яроқсизлигини исбот қилиш, умуман, сотувчи билан келишиш керак бўлади. Бу кўп вақтингизни олади, асабингизни бузади, албатта.

❑ Истеъмолчи доимо ҳақ

Эндиликда бунинг осон ечими бор. Хусусан, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва унинг вилоят, шаҳар, туманлардаги таркибий бўлинмаларига мурожаат қилиш кифоя.

Жумладан, шу йил 9 июнь куни вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасига бўкалик Дилафрўз Исмоиловадан ариза тушди. Унда айтилишича, 135 минг сўмга олган оёқ кийими бир кун кийганидан сўнг сифатсизлиги маълум бўлган. Ушбу ҳолат юзасидан Д. Исмоилованинг мурожаати ўрганилиб, пировардида, яроқсиз оёқ кийимининг пули ундириб берилди.

Шунингдек, 14 июнда Олмалиқ шаҳрида яшовчи Инкор Дўсонбетова "Ойдин" бозоридаги "Импульс" савдо дўконидан 1 миллион 800 минг сўмга харид қилган совутгичи 2 ой ўтар-ўтмас яроқсиз ҳолга келиб қолгани ҳақида мурожаат қилди. Ушбу ҳолат ҳам мутахассислар томонидан ўрганилиб, совутгич пули қайтарилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига: тақроран Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Зангиота тумани суд ижрочилари бўлимининг: I. Тошкент вилояти, Зангиота тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, 2016 йил 11 июль кунидаги Ш-24/3726-сонли ариза (буюртма)сига асосан: 1. 1982 йилда и/ч., дав/рақ: 10J165FA, бошланғич баҳоси - 3 645 464 сўм бўлган, "ВАЗ 210333" русумли; 2. 1973 йилда и/ч., дав/рақ: 10L995PA, бошланғич баҳоси - 2 741 040 сўм бўлган, "ВАЗ-2101" русумли; 3. 1976 йилда и/ч., дав/рақ: 10U046HA, бошланғич баҳоси - 6 813 769 сўм бўлган, "ВАЗ 2103" русумли.

Аукцион савдоси 2016 йил 18 август куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 18 август куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 16 август соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

❑ Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё...

ВИЖДОН ИШИ

Навбатдаги бекатда автобусга бир қария чиқди. Ўрта ёшлардан ошган зиёлинамо киши дарров жой берди.

– Раҳмат, болам, умрингиз зиёда бўлсин, – дея алқади қария.

Зиёлининг ёнидаги ўриндиқда телефонини "титкилаб" ўтирган бир ўқувчи бу ҳолатдан бехабардек, пинак ҳам бузмади. Буни кўриб турган бир аёл безбетликни ҳазм қилолмади шекилли, ўқувчига танбеҳ берди:

– Отангдан катта одам қарияга жой берди, сенинг ўтиришингни қара, балли-е!

Ниҳоят, бола ижирғаниб бўлсада, ўрнидан турди. Энди ҳалиги зиёлинамо киши "тарбия"ни давом эттирди:

– Ўзи нега кексаларга жой берилади, биласанми, ўғлим? Аввало, ҳурмат юзасидан. Кейин киши кексайганда чаққонлигу эпчилликдан асар қолмайди. Ҳозирги замонавий, қулай, тезюрар автобусларда уларнинг тик туриб кетишлари хавфли. Салгина қалтис ҳаракат сабабли йиқилиб, бирор кор-ҳол юз бериши ҳеч гап эмас.

Аслида-ку, бу шунчаки, субъектив фикр, бирорта ҳужжатда қайд этиб қўйилмаган. Мухтасар гап шуки, нафақат кексаларга, балки ёши ўзидан катталарга жой бериш – виждон иши. Айниқса, бизнинг миллатимизга хос хислат бу.

Ушбу сатрларни ўқиб, айрим ёшлар: "Оббо-о, яна ўша эски гапми, чайналавериб, сийқаси чиқиб кетди-ку!" дейишлари мумкин. Очиғини айтганда, биз ҳам баъзи ёшларга ёқмайдиган бу мавзуни "чайнамоқчи" эмасдик. Зеро, хассос ёзувчимизга тақлидан айтадиган бўлсак, бу мавзу қази эмаски, чайнаган сари мазаси чиқаверса. Аммо, муддао юқоридаги ёқимсиз ҳолат баҳона дилимиздаги бошқа бир ёқимли гапни айтиб олиш эди. Ахир, дилхиралик кимга ҳам керак? Ундан кўра, атрофимизга хайрихоҳлик кўзи билан қарасак, ҳар қадамда дилни яйратадиган бир янгиликни кўрамиз. Ҳар кунимиз аввалгисидан фаровон, ҳузурбахш. Ҳаётимиз тўкинсочин бўлиб бораяпти. Орзу-ҳавасларимиз ушалаяпти. Энг муҳими, эртанги кунимиздан кўнглимиз тўқ.

Лекин, начора, шоли курмаксиз бўлмаганидек, ёшларимиз орасида юқоридаги ўқувчига ўхшаш тарбияси сустроқлари ҳам учраб туради. Тўғриси шуки, бир ҳамқишлоғимизнинг гапи юқоридаги ҳолатни эслатди.

– Тошкент Давлат аграр университетининг юқори курсида ўқиётган неварам ҳар йил-гидек, малака оширишга келадиган раҳбар кадрларга лекция ўқибди, – деди у фахрланиб.

Аммо, таъкидлаш жоизки, ҳамқишлоғимизнинг бу гапи бугун ҳеч кимни ортиқча ҳайратлантирмайди. Негаки, Юртбошимиз таъкидлаётганидек, қалби оташ, кўзи чақноқ миллионлаб шундай ёшларимиз буюк келажак сари дадил интилмоқдалар. Мустақилликда кечган чорак аср минглаб шундай иқтидорли ёшларни кашф этди. Юзлаб ўзбек ўғил-қизлари юксак тараққий этган мамлакатларнинг нуфузли олий илм даргоҳларида инглиз тилида худди ўз она тилларидагидек, эмин-эркин таҳсил олмоқдалар. Ўнлаб қўшма корхоналарда энг замонавий техника ва технологияларни муваффақият билан бошқармоқдалар. Ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта бизнес-режалар тузиб, шахсий тадбиркорлик субъектларини барпо этмоқдалар. Спорт майдонларида кўрсатаётган жасоратларини эса, эндиликда бутун дунё ҳайрат билан кузатмоқда.

Элимиз, миллатимиз нуфузини тобора ошираётган, Ватанимиз шаънини улуғлаб, юксакларга кўтараётган навқирон авлод ҳақидаги бундай мисолларни давом эттираверишмумкин. Айтмоқчимизки, мустақиллик шарофати билан фақат ҳикмат излаб яшайдиган тўкис замонларга етдик. Юқоридагидек, дарёдан томчи мисол иллатларнинг умри эса қисқа. Қолаверса, йўловчиларни ташувчи автотранспортларда одамларнинг асабига тегаётган нохушликлар алоҳида жиддий мавзу.

Бугун юртимизнинг, элимизнинг мақсади аниқ ва қатъий. Демократик-ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдек ўзимизга хос ва мос йўлда учраб турадиган бундай арзимас иллатлар ўз-ўзидан барҳам топиб бориши шубҳасиз.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

❑ Огоҳлик

Сўнгги пайтларда айрим мамлакатларда хавфли инфекциялар билан боғлиқ мураккаб вазият кузатилмоқда. Куйдирги, оқсим ҳамда Қрим-Конго геморрагик иситма каби касалликлар ҳақида тез-тез эшитиб турибмиз.

ҲУШЁРЛИК САЛОМАТЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



Қрим-Конго геморрагик иситма касаллиги ўта юқумлилиги, клиник жиҳатдан оғир кечиши, мудҳиш оқибатларга олиб келиш эҳтимоли юқорилиги билан хавфлидир. Вируслар келтириб чиқарадиган бу хасталик кўпинча чўл ҳудудларида учрайди.

Республикамизда йирик ва майда шохли ҳайвонларда учрайдиган иксод каналари ушбу касалликнинг ташувчиси ҳисобланади. Вируслар майда қон томирлар-капиллярларни шикастлайди, оқибатда ҳужайра, тўқима ва тана аъзоларида қон айланиш жараёни, уларнинг озиқланиши ҳамда кислород билан таъминланиши издан чиқади. Танадаги муҳим аъзолар фаолиятининг бузилиши эса инсон ҳаётини хавф остига қўяди.

Ушбу касаллик ўзида геморрагик иситма вирусини сақлайдиган каналарнинг чақиши, уларни эзиб ўлдириш, қўл кана қони билан ифлосланиши натижасида одамга юқади. Соғлом одамга касаллик вирус юқтирган бемор қони орқали, шунингдек, беморга тиббий муолажалар (инъекция, қон олиш, инфузия ва ҳоказо) қилиш жараёнида юқади. Касалликнинг яширин даври, яъни вируснинг танага кириб, хасталикнинг илк аломатлари кўрингунга қадар бўлган давр бир неча соатдан 7 кунгача, ўртача 2-3 кун давом этади.

Белгилари: касаллик ўткир бошланиб, тана ҳароратининг кўтарилиши (39-40 даража), баданнинг совуқ қотиб, қалтираши, мушакларнинг оғриши, кўриш қобилиятининг бузилиши, кўздаги қон томирларининг ёрилиши, баданга майда қизил тошмалар тошиши, милк, бурун, меъдаичаклардан қон кетиши, қоринда оғриқ, баъзида эса қон қусиш каби ҳолатлар намоён бўлади. Касаллик оғир кечганда, тана аъзоларидан қон кетиши натижасида бу ҳолат ўлим билан якун топиши ҳам мумкин.

Юқоридаги ҳолатлар кузатилса, зудлик билан шифокорга кўриниш шарт. Шифокорга қанчалик эрта мурожаат этилса, даволаниш шунчалик самарали бўлади.

Вилоятимизда мазкур хасталикларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли барқарор эпизоотик вазият сақланмоқда. Мавжуд хўжаликлар ҳамда хонадонлардаги чорва моллари мунтазам равишда кўрикдан ўтказилмоқда. Эпизоотологик мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, эмлаш ва дезинфекция воситалари ўз вақтида, бепул ўтказилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Қрим-Конго геморрагик иситма касаллигига қарши 750 га яқин чорвачилик объектлари дезинфекция қилинган бўлса, 850 мингдан ортиқ чорва моллари профилактик чўмилтирилди.

Мавжуд бозор ва кўшхоналар ҳамда гўшт дўконларида ўрнатилган ветеринария назоратининг янада кучайтирилгани бу каби хасталиклар тарқалишининг олдини олмоқда.

Айни пайтда, олиб борилаётган эпизоотияга қарши тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат ветеринария бош бошқармаси томонидан жойлардаги ветеринария хизмати кўрсатиш пунктлари зарурий жиҳозлар билан таъминланди. Вилоят туман ва шаҳарларида махсус штаблар ташкил этилиб, барча зарурий ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, аҳоли ўртасида ушбу касалликлар ҳақида маълумот берилиб, уларнинг олдини олишга қаратилган семинарлар ташкил этилмоқда.

А. ҲОШИМОВ,
вилоят Давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи.



ЧОРЛАР КУРАШГА МАЙДОН

Тошкент вилоятида кураш бўйича "Маҳалламиз паҳлавонлари" мусобақаси ўтказилди.

❑ Офарин

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақанинг қуйи босқичларида ғолиб бўлган 13-14 ёшли 108 ўғил-қиз ўз вазн тоифасида гиламга тушди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун яратиб берилаётган шароитлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Ўғил болалар ўртасида 50, 52 ва 55 килограмм вазн тоифасида зангиоталик Абдураим Лутфуллаев, Юқори Чирчиқ туманидан Ҳаётбек Абдуллаев, Оҳангарон туманидан Файзулла Орифжонов биринчи ўринни эгаллади. Қизлар ўртасида 44 ва 46 килограмм вазн тоифасида Пискент туманидан Ёдгора Салоҳиддинова, Наргиза Чиндавлатова, 48 килограмм вазнда Ангрен шаҳридан Гулҳаё Сафарбоева ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

И. АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбири.

❑ Қатра

ЧИН ДЎСТ

Бир бадавлат тадбиркор танишим бор. Тўнғич ўғли ўн саккизга кирганда, отаси: "Нима совға қилишимни хоҳлайсан" деб сўраган экан, ўғли:

– Ҳамма дўстларимни чақириб, чиройли зиёфат қилиб берсангиз, хурсанд бўлардим, – дебди.

Ота фарзандининг айтганини қилибди. Ўғил туғилган куни тайинланган жойга келиб қараса, бор-йўғи тўртбеш дўсти ўтирган экан. У отасига қўнғироқ қилиб:

– Дада, мен сизга ҳамма дўстларимни чақиринг, деган эдим, атиги, бештасини чақирибсиз, – дебди.

Шунда отаси:

– Ўғлим, мен ҳамма дўстларингга сенга ёрдам кераклигини айтиб, қўнғироқ қилдим. Фақат шу бешови сенга ёрдам бериши мумкин экан, – дебди.

Ҳақиқий дўст бошга кулфат тушганда билинади.

Умида ҲИДОЯТХЎЖАЕВА тайёрлади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 30 июль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Ғарбдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-18, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

❑ Рассом хандаси



– Эшик тирқишидан мўралаш одобдан эмас...
– Эшик тирқишидан ҳар хил ҳолатда кўриниш-чи, одобданми?!

Ҳусанбой СОДИҚОВ чизган расм.

XXI аср ва дунё

Юлдузларга термулиб...

Альп тоғлари бағрида ғаройиб меҳмонхона фаолиятини бошлади. Европада оммалашаётган Null Shtern услуби барча одатий ва ҳашамдор меҳмонхоналар рақобатчисига айланмоқда.



Гап шундаки, бу меҳмонхонадан жой банд қилсангиз, "ичида" тўшак ва кичик шкаф мавжуд бўлган очиқ осмон остидаги баҳаво бир манзилни кўришингиз мумкин, холос. Девор, шифт, эшиклар йўқ – атрофда фақат Альп тоғларининг ажойиб кўриниши. Мазкур ноодатий меҳмонхона асосчиларидан бири бундай дизайнни қуйидагича изоҳлайди: "Биз, сиз ва таассуротларингиз ўртасида туриши мумкин бўлган барча деворлардан воз кечдик".

Дарвоқе, Null Shtern таржима қилинганда "ноль юлдуз" деб номланади. Беш юлдуз бўлмаса ҳам, тепангизда саноқсиз юлдузлар ёғду сочиб туради. Айтишларича, очиқ осмон остида, кўкка термулганча: "Истасанг, шу фалақдан ойни олиб бераман", деб хиргойи қилиш ман этилмаган.

Робот бир соатда 225 та ғишт теради!

Австралиянинг Fastbrick Robotics компанияси намунали коттежни икки кун ичида қура оладиган робот яратди.



У ғиштларни қурувчилардан тезроқ териб чиқа олади, боз устига, харажат масаласида ҳам анчайин афзаллиги бор, деб ёзмоқда International Business Times.

Машина соатига 225 та ғишт териш имкониятига эга. Ўртамиёна қурувчи бундай миқдордаги ғиштни териши учун ярим кун сарфлайди. Мазкур ишланма муаллифлари – Fastbrick Robotics компанияси раҳбари Майк Пивак ва унинг қариндоши Марк эндиликда бир соатда мингта ғишт тера оладиган робот яратишга ҳаракат қилишаётир. Мишмишларга қараганда, робот берилиб ишлаётган пайтда унга маъюс термулиб турган ўнлаб қурувчи-усталарни кўрганлар бор эмиш...

Учаркурсига тобингиз қалай?

"Эсимда ўша дамлар, ўзи учар гиламлар", деган эди шоир. Бу хаёлот асримизга келиб, ҳақиқатга айланадиган кўринади.

You Tube видеопорталида amazingDIYprojects номи билан рўйхатдан ўтган швециялик фойдаланувчи ўзига хос қурилмани оммага намойиш этди. Учар кресло саккизта винт ёрдамига ҳавога кўтарилади. Шунга ўхшаш қурилмалар аввал ҳам яратилган, лекин уларда 12, 16 ва 54 та электр мотордан фойдаланишган. Энди эса уларнинг сони саккизтага қисқарган. Бунга ихтиочи 5 литр ёқилғи кетадиган двигатель ёрдамида эришди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Нозима РАСУЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-6607. Адади 7505. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 23.30.